ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 3 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00387

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ ОЛАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МАЗМУНИ ВА КОМПОНЕНТЛАРИ

Тармиза Латиповна Хурвалиева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти, п.ф.н.
t.l.xurvaliyeva@cspi.uz

АННОТАЦИЯ

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш мазмуни ҳамда методик жиҳатлари ёритилган. Болаларни атроф олам билан таништиришда қўлланиладиган технологиялардан намуналар келтирилган. Атроф олам билан таништириш компонентлари ва шакллари баён этилган.

Калит сўзлар: имидж, интеллект, қонуният, объект, технология, экскурсия, терапия, мотивация, интеграция.

CONTENTS AND COMPONENTS OF INTRODUCING PRESCHOOL CHILDREN WITH THE ENVIRONMENT

Tarmiza Latipovna Khurvaliyeva
Associate Professor, Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article describes the content and methodological aspects of familiarizing preschool children with the environment. The examples of technologies which help children get acquainted with the environment are given. The components and forms of familiarization with the surrounding world are described.

Keywords: image, intelligence, patterns, object, technology, excursion, therapy, motivation, integration.

КИРИШ

Сўнгги йилларда ижтимоий буюртманинг ўзгариши яъни жамиятнинг чуқур фикрловчи, фаол шахсга эҳтиёжини қондириш мактабгача ўқув-тарбия жараёнини янада кучайтириш лозимлигини кўрсатди. Таълим-тарбия жараёнида замонавий технологиялар ҳамда кўргазмали-амалий методни такомиллаштириш, болаларда фаолиятни режалаштириш кўникмалари, ижодкорликни ривожлантириш тақозо этилмоқда. Мактабгача ёшдаги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00387

болаларни атроф олам билан таништириш қизиқувчанликни оширади. Билиш қобилияти ҳамда “бошланғич таълим ўқувчиси имиджи” ривожлантирилади. Ижодий тасаввур эса болада интеллектуал ва шахс сифатларининг шаклланишига туртки беради. Мактабгача ёшдан болаларни маънавий қадриятлар, миллий меросимизни эъзозлаш ҳамда табиат бойликларини асраш каби кўникмаларни шакллантириб бориш, Ватанга садоқатли авлодни тарбиялашга имкон беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Атроф олам ҳақидаги билимлар 5-6 ёшдан 6-7 ёшгача аста-секин мураккаблашиб боради, бу босқичда болаларни алоҳида предмет ва атроф оламдаги ҳодисалар билан таништириш етарли эмас, уларга сабабий-оқибатларнинг алоқадорлиги, олам ва унинг тузилиши ҳақида батафсил маълумот бериш лозим. В.Логинова ва И..Бабаевалар нинг фикрича: “6-7 ёшдаги болаларда “Инсон-табиат-жамият” тизимининг алоқадорлиги ва қонуниятларини тасаввур қилиш жараёни ҳосил бўлади. Мавжуд ва мавжуд бўлмаган табиий объектларни белгилари асосида дифференциация (табақалаштириш) жараёни кечади. Ўзаро муносабатлар тушунтирилади ижтимоий муносабат ва табиат оламининг ўзгаришлари қонуниятлари, элементар алоқалари ўргатилади” [2;127-б]. Мана шундай тарзда болалар атроф олам ва борлиқдаги предмет, ҳодисалар, уларнинг сабаб ва оқибатларини англайдилар. Мактабгача таълим дидактикаси хусусида фикр юритилганда Ф. Фребель [5],М. Монтессори [3], Л. Венгер[1], А.Усова [4]лар томонидан илгари сурилган тамойилларнинг бугунги кунгача ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги кўзга ташланади. Жумладан, объективлик тамойили боланинг ақлий ривожланиш даражаси предмет ва ҳодисаларнинг хусусиятларини фақат ташқи томонини англаш ва билиш билан белгиланади. Билимларнинг тизимлилиги тамойилида табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини умумий алоқадорлигини тасаввур қилиш ҳамда ўзлаштириш имконияти, турли хил вазифаларни таҳлил қилиш ва ҳал этиш амалга оширилади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўқув фаолиятининг муваффақиятини таъминловчи зарурий шартлардан бири катталар ва тенгдошлари билан мулоқот қилиш кўникмаси ва коммуникатив компетенциядир. Тезкор ривожланаётган даврда болаларда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00387

билимларни ўзлаштиришга бўлган мотивация етарли даражада намоён бўлмаяпди. Бунинг учун замонавий технологиялар, метод ва воситаларни тўғри танлаш лозимки, болаларда билишга бўлган қизиқиш ўз ўрнини йўқотмасин. Фаол таълим методлари болаларда тадқиқотчилик фаолияти, ижодий фаолиятни ташкил этиш учун шароит яратади.

Педагогик жараёнда ўқитишнинг пассив, фаол, интерфаол каби замонавий усулларидан фойдаланишнинг самараси миллий педагогикада ўз исботини топган. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш жараёни нафақат таълимий фаолиятда балки тарбиявий ишларда, кундалик ҳаётда кузатиш, сайр, экскурсия, суҳбатлар, оилада ҳам амалга оширилади.

Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришнинг методик жиҳатлари қуйидагиларни ташкил этади:

• болаларга савол бериш имкониятини бериш, уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини тўхтатмаслик;

• ҳар бир бола учун муваффақиятга эришиш шароитини яратиш;

• марказларда ташкил этилган турли фаолият жараёнларида болаларга атроф олам ҳақида маълумот олиш имконини яратиш;

• ўқув тарбиявий фаолиятда ҳар бир боланинг ўзигагина хос ноёб қобилиятлари, тажрибаларига таяниш;

• болаларни атроф оламни ёркин намуна ва яққол образлар орқали тез англашларини инобатга олиб, кўргазмали материаллардан самарали ва ўринли фойдаланиш,

• болаларни кашфиётчиликка ундаш мақсадида муаммоли вазиятлар яратиш, янги билимларини қўллаш имкониятини бериш;

• болалардаги чарчоқ ёки толиқишни бартараф этиш мақсадида иш шакллари ва фаолият турларини алмашлаб туриш;

• болаларга ўзини намоён этишларига кенг имкониятлар яратиш мақсадида ижодий ва махсус топшириқлар бериш;

• тарбиячилар мактабгача таълимда ўйин шакллари, болаларда атроф олам ҳақида қизиқишларни ошириш учун дидактик ўйин, ҳаракатли ва ривожлантирувчи машқлар, ижодий топшириқлар, билишга оид ҳикоялар, муаммоли вазиятларни ечиш кабилардан фойдаланадилар.

Атроф олам билан таништиришда **“Видеоэкскурсия”** технологиясидан фойдаланиш самара беради. Технологиянинг бориши:

1. Тарбиячи гид ролини бажариб, тарихий шаҳарлар ҳақида видеофильм намойиш этади. Видеони маълум қисмида намойишни тўхтатиб, тушунтириш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00387

ишларини олиб боради. Бу шаҳарнинг номи Бухоро. Бухоро қадимий шаҳар. Бу тарихий шаҳарларда саройлар, қаср ва баланд миноралар бор. Бобомиз Ибн Сино шу юртда туғилган.

2. Ибн Сино тиббиёт асосчиси. Турли касалликларга даво топган. Инсон соғлом бўлиши учун тозаликка риоя қилиши, қўл ва танани тоза сақлаш, вақтида овқатланиш ва ухлаш кераклигини айтган.

3. Намойиш этилган шаҳар ҳақида савол-жавоб ўтказади.

Саволлар: Бу қайси шаҳар?, У қандай шаҳар?, Баланд биноларнинг нима деб атаймиз? Бу ким? У нима деган? кабилар.

Шу тарзда блокда бир хафта мобайнида қадимий шаҳарлар ва уларда яшаган буюк сиймолар ҳақида маълумот бериб борилади.

Блок якунида “**Видеотаҳли**л” технологияси қўлланилади.

1. Қисқа-қисқа лавҳалар кўрсатилади.

2. Болалар билан тезкор савол-жавоб ўтказилади.

3. Болалар ихтиёрий равишда (трафаретли минора, минора ичига донлар терилади, расм чизади, бўяйди, мозаика йиғади, пластилин ва аппликация) тайёрлайди.

“Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш” марказида болалар Ибн Сино, А.Навоий, З.Бобур, Беруний сиймолари ва уларнинг ҳаёт фаолиятига оид ролларни ижро этишди.

ХУЛОСА

“**Видеотаҳли**л” технологияси эртаклар намойишида атроф олам билан мулоқот қилиш, инсонлар тақдири, табиатдаги ҳодисалар ҳақида маълумот бериш, ижодий ёндашишда катта аҳамиятга эга.

Мактабгача таълим ташкилотининг ўқув-тарбиявий фаолият давомида болаларни комплекс ривожлантириш мақсадида “Терапия” технологияларидан кенг фойдаланилади.

1.Эртак терапия.

2. Қум терапия.

3.Сув терапия.

4. Арт терапия.

5.Мусиқа терапия.

6. Ўйин терапия.

Эртак терапия ижобий хусусиятга эга бўлиб, унда ижобий ҳиссиётлар негизида барча психик жараёнлар ривожланади. Ижобий кайфият эслаб қолиш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00387

жараёнини яхшилайди. Ҳиссий хотира узоқ муддат бўлиб ўтган воқеаларни эсда сақлашга ёрдам беради. Бахт ва қувончни ҳис қилиш турли хил билиш вазифаларини самарали бажаришга кўмаклашади, ўқув фаолиятига бўлган мотивацияни оширади. Эртактерапия технологиясида серияли расмлар усулидан кенг фойдаланилади. 5 та марказга бир эртакка оид 5 та сюжетли расм тарқатилади. Ҳар бир гуруҳ расмда ифодаланган жараённи сўзлаб беради. Сўнгра, ҳар бир гуруҳдан танланган тақдимотчи воқеа кетма-кетлигига кўра доскада ўз жойини топади.

Бугунги кунда мактабгача таълим ёшдаги болаларни ҳаёт хавфсизлиги фаолияти билан таништириш ҳам долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Болалар билан турли мавзуларда суҳбатлашиш, хавфсизлик дақиқаларини ўтказиш мумкин. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидалари билан таништиришда ижтимоий-ахлоқий тарбияга эътибор қаратилиши тавсия этилади. Бироқ ҳозирги кунда кўргазмали қуроллар етарлича эмас. Шу боисдан қисқа серияли (олов ёқмаслик, гугурт ўйнамаслик, электр токига яқинлашмаслик, ўткир тиғли буюмларни ушламаслик, баланд биноларга чиқмаслик, кўп қаватли уйларда деразадан узокда бўлиш) болаларнинг ёш хусусиятига мос расм ва плакатлар намойиш этилади.

Тадқиқотимизда мактабгача 5-7 ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш компонентлари тизимлаштирилди.



ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00387

1-расм. Мактабгача 5-7 ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш компонентлари

Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш жараёнида қуйида келтирилган шакллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

- Бевосита таълимий фаолият;
- Викторина, кўрик танловлар,беллашувлар ташкил этиш;
- Кузатиш ва тажриба ўтказиш;
- Атроф оламга оид бадий асарлар ўқиб бериш;
- Болаларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ва коллекциялар ташкил этиш;
- Ота-оналар билан ҳамкорликда фестиваллар ўтказиш;
- Ҳудуддаги тарихий обидалар, ҳиёбон ва мактабгача таълим ташкилотида ташкил этилган “Мини-музей”даги фаолият;
- Турли касб эгалари ва ўқувчилар билан учрашувлар ташкил этиш;
- Видеороликлар, эртак ва мультифильмлар намойиши.

Тарбиячилар болаларда атроф олам ҳақидаги тассаввурларни шакллантиришда уларда мотивацияни оширишлари мақсадга мувофиқ. Натижада болаларда қизиқиш ортади ҳамда тасаввурлари кенгаяди. Бола шахсининг ривожланишида фаолият алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у атроф оламдаги борлиқни кўради, тушунади ва таҳлил қилади. Болаларни атроф олам билан таништириш уйғунлик ёки интеграцион шаклда амалга оширилса, уларни мактаб таълимига тайёргарлиги самарали бўлади.

REFERENCES

1. Falkiewicz-Szult M. Nature and environment education in preschool children. Poland.:-2005.-145 p.
2. M.E.Ferreira Stage-based egological education of preschool children on the basis of environmentally friendly approach. Portugal.: 2015- 149 p.
3. Хурвалиева Т.Л. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришнинг самарали йўллари. Academic research in educational sciences scientific journal volume 1, issue 3, 2020.- PP.931-936.
4. Хурвалиева Т.Л. Педагогическое творчество - как фактор качество образования// Сборник материалов XI Международной научной конференции студентов и молодых ученых «Наука и образование-2017» – Астана, 2017– С. 4543-4545.
5. Хурвалиева Т.Л. Use of integrated tasks in preparation of preschool children on environment. Digest of articles science, research, development. Berlin, 2020.P.-117-120.